Аллоҳ ҳамма нарсани илми билан иҳота қилган зотдир

18:35 / 13.01.2023 1652

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Ким тонгда ва кеч кирганида:

رَبِّيَ اللهُ تَوَكَّلْتُ عَلَيْهِ وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ
عَلَى اللهِ أَعْلَمُ أَنَّ اللهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا

«Роббийаллоҳ, таваккалту ъалайҳи лаа илаҳа илла ҳув, ъалайҳи таваккалту ва ҳува роббул ъаршил ъазийм, лаа илаҳа иллаллоҳул ъалиййул ъазийм. Маа ша`аллоҳу каана ва маа лам йаша` лам йакун. Аъламу анналлоҳа ъала кулли шай`ин қодийр. Ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ъилма», деб айтса, сўнг вафот этса, жаннатга киради», дедилар.
Маъноси: Раббим Аллоҳдир. Унга таваккал қилдим. Ундан бошқа илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим. У улуғ аршнинг Раббидир. Улуғ ва олий Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У хоҳлаган нарса бўлади. У хоҳламаган нарса бўлмайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани илми билан иҳота қилган зотдир.
Ибн Сунний ривоятлари.